

“Яшил ташаббус” экологик акцияси

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз ҳисобланади. Юртимизда илиқ ҳаво, баҳор кунлари яқинлашмоқда, бу айниқса, республикамизнинг жанубий Қашқадарё вилоятида ҳар йилгидек баҳор эрта кириб келиши кузатилади. Ушбу кунлар - атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, дарахт кўчатларини ўтказишнинг айна вақти.



ТИҚХММИ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ва бир гуруҳ ташаббускор талабалари иштирокида "Яшил ташаббус" экологик акцияси бўлиб ўтмоқда. Акция давомида филиал ҳудудини ободонлаштириш мақсадида гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда.



Тадбирда айниқса, "Умумтехник фанлар" кафедраси ўқитувчилари Н.Амиркулова ва М. Араловалар катта ташаббус кўрсатишмоқда. Акцияда фаол иштирок этган талабалар раҳбарият томонидан миннатдорчилик билдирилиб ташаккурномалар билан тақдирландилар. Эко-акция ҳафта мобайнида давом этади.

ТИҚХММИ матбуот хизмати